

**Вазирлик марказий аппаратида 2025 йилнинг 9 ойи давомда жисмоний ва
юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларнинг ўрганиб чиқилиши
хақида
МАЪЛУМОТ**

Вазирликда, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, ижро мониторингини edo.uz электрон дастуридан фойдаланган ҳолда юритиш ва назорат қилиш ҳамда ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш бўйича ҳисобот даврида олиб борилган ишлар юзасидан вазирликнинг ҳар чоракда ўтказиладиган ҳайъат йиғилишларида, доимий ўтказиладиган вазирлик марказий аппарати йиғилишларида, шунингдек, ҳар ҳафта якуни билан вазир, вазир ўринбосари (ижро интизоми масалалари бўйича масъул) ҳузурида мунтазам равишда муҳокама қилиб борилди.

Айни пайтда вазирликнинг 71 202-47-00 рақамли ишонч телефони 24/7 режимида ишлаб турибди. Шунингдек, Сув хўжалиги объектларини эксплуатация қилиш агентлиги, Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда “Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш” давлат муассасасида ҳам ишонч телефонлари йўлга қўйилган.

Ҳисобот даврида вазирликка Президент виртуал қабулхонаси, PM.GOV.UZ сайти, Вазирлар Маҳкамаси, Тадбиркорлар виртуал офиси, Бош прокуратура виртуал қабулхонаси, е-хат, вазирлик ишонч телефони, почта хизматлари, веб-сайт орқали жами 4 059 та (ўтган йилнинг шу даврида 2 564 та) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаати келиб тушди.

Ушбу мурожаатларнинг 52 таси (1,3%) вазирлик тизимидаги ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг фаолияти, 2193 таси (54%) суғориш суви; 372 таси (9,1%) насос станциялар, 131 таси (3,2%) капитал қурилиш (дастурга киритиш), 122 таси (3%) сув хўжалигида иновацион технологияларни жорий этиш (сув тежовчи технологиялар, субсидия ажратиш), 149 таси (3,7%) ижтимоий (уй-жой, маош, моддий ёрдам, ишга кириш) масалалар, 4 таси (0,1%) чет эл инвестицияларини жалб қилиш, 1036 таси (25,5%) ирригация ва мелиорация ҳамда бошқа масалаларга тааллуқлидир.

Ўрганилган 4 059 та мурожаатларнинг 2 442 таси (60,4%) қаноатлантирилган, 1 234 таси (30,4%) ҳуқуқий тушунтириш бериш орқали ҳал этилган, 3 таси (0,08%) қонунчиликда белгиланган тартибда аноним деб топилган, 22 таси (0,5%) қонунчиликда белгиланган тартибда кўрмасдан қолдирилган, 305 таси (7,5%) тааллуқлилиги бўйича тегишли вазирлик ва идораларга юборилган, 53 таси (1,3%) ўрганиб чиқиш жараёнида бўлиб назоратга олинган.

Мурожаатлар билан ишлашда 2 та (0,04%) ҳолатда қонунчиликда белгиланган муддат бузилиш аниқланган ва тегишли раҳбар-масъулларга нисбатан интизомий чоралар кўрилган.

Шунингдек, жойларда ижро интизомига риоя қилмаган 21 нафар ходимга нисбатан интизомий чоралар қўлланилган, 16 та ҳолатда хайфсан ва 1 та ҳолатда жарима белгиланган.

Жорий йил иссиқ ва қуруқ келгани сабабли сув тақчилигини юмшатиш мақсадида Президент Администрацияси раҳбари топшириғига асосан вазирликда “Call-марказ” ва тезкор Штаб ташкил этилиб, ушбу хизмат ҳақида ижтимоий тармоқлар орқали аҳолига маълумотлар етказилди.

Суғориш мавсумида, айниқса, ёз ойларида фуқароларнинг сув тақчиллиги бўйича мурожаатлари 24/7 режимида “Call-марказ” орқали жами 1 039 та (4 059 та мурожаатдан 25,6%) қабул қилиниб, бир кун муддатда ўрганиш ва амалий ёрдам бериш чоралари кўрилди.

Мурожаатлар билан ишлаш бўлими